


ISLAMONLINE.UZ

Адабиёт



## Хожи Муин. Охир замон аломатлари (1923)



Эски «Акоид» китобларимизда ёзилгандурким, замона охир бўлиб, киёмат якинлашмокда. «Яъжуж-маъжуж» деган бир жамоа махлук пайдо бўлиб халкнинг тинчлигини бузиб, дунёни хароб этишга тиришадирлар.

Орадан кўп вакт ўтмай, хар ерда «баркамол осойиш» бўладир. «Яъжуж-маъжуж» жамоасининг кандай махлук эканлиги тўгрисида «уламои ислом» орасида ихтилоф кўбдур. «Махриб уш-шариат» деган мўътабар бир китобда ўқигонимизга карагонда, шул «яъжуж-маъжуж» тоифаси хакида ёзилган баъзи сифатлар юздан шона — оstdан фонда уратурғон «мустамлакачи» ўртокларимизнинг шаънига тўгри келадур.

Яна ўшал китобда: «Насрииддин Тантанони»дан ривоят этадурларким, замона охир бўлгонда Туркистонда, айникса, Самарканда «жадид» танасидан эшон ва авлиёлар чикиб, халкка турлик кароматлар кўрсатадурлар ва шунинг билан кунда бир неча мурид овлайлар. Охирда, «жадид» исми халк орасида кўтарилиб, унинг ўрнида «тараккийпарвар», «маорифпарвар» хам «ёшлар» исмлари билан «букаламун» фикрлик зотлар пайдо бўлади.

Бу зотларнинг бир бўлаги турли чаток йўллар билан окча тўплаб, бор-йўгини тўйга сарф киладурлар. Маориф учун хеч мири бермайдур. Бир кисми «Нашри маориф» учун жаҳолатга карши «муттаҳид фрунт» очиб, кўшинсиз уруш бошлайдурлар. Янги тантаналик курук карорлар билан машгул бўладурлар.

«Мажмуийи сафҳо» деган китобда ёзғонига кўра, охир замонда Туркистонда «маҳкамай шаръия»лар очилиб, бу маҳкаманинг ишларини бир вакт кофирилк отини кўтарган жадид синфи бошкарадир. Ўлиб кетган вакфлар кайтадан тиргузиладур. Вакф окчаси мактаб ва маориф йўлида сарф килинадур. Бу воқеадан кўп вакт ўтмай, коринпарвар муллалар билан тараккийпарвар жадидлар орасида вакф устида катта жанжал чикиб, натижада барча вакфлар «наханг» комига кетадур.

«Ёшлар»нинг кеча-кундуз хизматлари ошамок, «туташ»ларга ёндашмок ва охири йўлдан адашмок бўладир. Хотин-кизларнинг юз пардалари очиладур, шарм-хаёлари кочадур. Иффатликлари сийрак коладур.

Бухоро ўлкасида амир Олимхон хазратлари «шахид» этиладур. Унинг хар бир томчи конидан юз «жувонбоз» пайдо бўладур. Минг дохий дунёга келадур. Кечаларни базмиз ўтказган уйларга жарима солинадур. Пора олмагон амал-дорлар юртдан бадарга килинадур. Охири, факир халкнинг хаммаси жонидан тўйиб, босмачиликка ёзилиб, далага кочиб кетадур.

Мана, сизга охири замон аломатларидан бир неча тимсол. Бу сўзларнинг барчаси юкоридаги мўътабар китоблардан накл этидди. Хар ким шак келтирса — кофир бўлгай. «Кахат ул-укало» деган бир китобда Самарканд маҳкамай шаръияси хусусида бошка хил маълумот берилган. Бунда ёзилгонига кўра, Самарканд маҳкамай шаръияси халкнинг намоз ўкиши тўғрисида айруча ахамият берадур. Чунончи, хар ким ўзининг маҳалласидаги масжидга жамоат намозига сахван чикмай колса, уни биринчи катла олти, иккинчи катла саккиз ой камокка хукм этадур. Учинчи дафъадан уни шахардан чикариб хайдайдур. Токи, ул бенамознинг касофатидан бир шахар хароб бўлмагай. «Макобир ул-агниё» деган китобда Абу Низом ал-Магрибий ал-Мастурий ёзадиким: киёмат якинлашгонда, бойлардан хайрият, камбагаллардан куч, дехконлардан баракот кўтариладур. Жадидлар намоздан, кадимлар маорифдан, хукуматлар адолатдан кочадурлар. Маориф идораларида окча, мактабларда ўкувчи, муаллимларда таълим кочадур. Охир замон олимлари амалсиз, бойлари хамиятсиз, шоирлари шеъриятсиз, мухаррирлари саводсиз, газеталари обунасиз, матбаалари хуруфсиз, мураттиблари тартибсиз, идоралари доирасиз, табиблари дорусиз, хакимлари хикматсиз, эшонлари ишончсиз, муриidlари ихлоссиз бўладурлар.

Булардан бошка: бу замоннинг хар бир жонлик ва жонсиз нарсаларига тог каби оғир соликдар солинадурким, натижада дўконлар ёпила-ёпила сонлари озаядур. Хайронлар сўйила-сўйила әтлари ейиладур. Камбагаллар эзила-эзила дунёга видоъ айтадурлар. Соликлар канча кўпайса, бозор баҳолари ўшанча тушиб, охири когоз-окча билан олтун, ога-инидек бир-бирига ковушадур. Золим «Николай» замонида бўлган арzonчилик париси кайтадан дунёга келиб, халкка муhibона салом берадур. Бу роҳат ва саодат

даври кўб давом этмай, кетидан «дажжоли лайн» дунёга чикиб кўб ўзгаришлар ясайдур. Шунинг билан одам боласи мурод ва максадига етадур-да, сўнгра бирдан киёмат койим бўладур. Шуни хам ёзиб ўтайким, киёматдан бир кун илгари Туркистонда имло масаласи «хал» этилиб, Куръон янги имло билан ёзиладур. Солик ишлари шунча тараккий этадурким: камбагал ишчи-дехконлар ховузларида ваккиллайтургон курбакаларга хам солик тўлашга мажбур бўладурлар. Факат дараҳтларга кўниб учатургон кушлар учун солик тўлашдан маоф этиладилар.

Бу сўзларга шак келтирган киши кофир бўлмаса хам, лекин «Геполув» томонидан турлиқ синфлар ичida ёширун суратда курилгон сонсиз ок тузокларга бир кун оёги айланиб, «борса келмас» шахарга юбориладур.

«Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 11 февраль